



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 29 » iyun

№ 399

Toshkent sh.

Автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида” 2019 йил 15 февралдаги ПҚ–4193-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастурлар бўйича вақти-вақти билан, ҳар уч йилда камида бир марта ўз малакасини ошириб, малака имтиҳони топшириши кераклиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул раҳбари, раҳбар ўринбосари, транспорт бўлими раҳбари ва (ёки) ҳаракат хавфсизлиги мутахассисларига (кейинги ўринларда – ходимлар) нисбатан лицензиялар олиш учун ҳужжатлар тақдим этиш ва автомобиль транспортида тегишли ташишларни амалга ошириш учун ҳар беш йилда аттестациядан ўтиш талаблари бекор қилинади;

йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ходимларининг билими, малака даражаси ва касбий маҳорати малака талабларига мувофиқлиги Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастур бўйича ушбу ходимларнинг камида ҳар уч йилда бир марта ўз малакасини оширганлиги тўғрисида берилган малака сертификатига мувофиқ аниқланади;

йўловчи ва юкларни автомобиль транспортида ташиш ушбу соҳада камида уч йил иш стажига, автомобиль ёки техник йўналишда олий касбий

маълумотга ва малака сертификатига эга ходими мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилади;

автомобиль ёки техник йўналишда олий касбий маълумотга эга бўлиш шарти махсус ускуна билан жиҳозланган автотранспорт воситасида қаттиқ ва суяқ маиший чиқиндиларни (ахлат) ташиш ва коммунал хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Қуйидагилар:

Автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш курсларини тугатганлик ҳақидаги сертификат ҳамда Автомобилда халқаро ташувчининг касбий маҳорат сертификати намуналари ва тавсифлари 1 ва 1а - иловаларга мувофиқ;

Автомобиль транспорти соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом намунаси ва тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг автомобилда халқаро ташишларни тартибга солувчи халқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа касбий маҳорат сертификатлари (гувоҳномалари)нинг берилиши ушбу шартномалар қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги уч ой муддатда:

автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда таълим олувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш тартибини белгилаш;

автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг йўналишлари, мавзулари, давомийлиги, шунингдек курсларда ўқитиладиган кадрлар тоифалари рўйхатини лавозимлар, касблар ва мутахассисликлар кесимида шакллантириш;

автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

таълим муассасаларида малака ошириш курси битирувчиларига электрон сертификатлар бериш амалиётини жорий этиш мақсадида идентификация рақами ва QR-код ҳамда ҳимоя элементларини назарда тутувчи “Электрон сертификатлар репозиторийси” тизими ва дастурий таъминотини яратиш чораларини амалга оширсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги 636-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

мазкур қарорнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида ташувчилар ўртасида мунтазам равишда тарғибот ишларини олиб борсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р.Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “29” июн даги 399-сон қарорига
1-илова

Автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш курсларини
туғатганлик ҳақидаги сертификат намунаси



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
TRANSPORT VAZIRLIGI

Malaka oshirganlik haqida

SERTIFIKAT

MO № 000000

Qayd raqami: _____

Berilgan joy: _____

Berilgan sana: 20__ yil “__” _____

Amal qilish muddati: 20__ yil “__” _____ gacha

QR-kod

Mazkur sertifikat egasi

(Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

O‘qish davri 20__ yil “__” _____ dan
20__ yil “__” _____ gacha

(Ta’lim muassasasi (tashkilot) nomi)

(Malaka oshirish kursining nomi)

malaka oshirish kursining _____ soatlik o‘quv dasturi
bo‘yicha malakasini oshirdi.

Rahbar

(Rahbar imzosi)

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

M. O‘

Автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш курсларини тугатганлик ҳақидаги сертификат тавсифи

Автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш курсларини тугатганлик ҳақида сертификат – малака ошириш таълим дастурларини муваффақиятли тугатган (ўзлаштирган) шахсларга берилади.

Автомобиль транспорти соҳасида кадрлар малакасини ошириш курсларини тугатганлик тўғрисидаги SERTIFIKAT A5 форматдаги оқ қоғозда, офсет усулида, беш хил рангдан: матн учун – қора ранг, расмлар тасвири учун – яшил, кўк ва қизил ранглардан, фон учун – оч пушти рангдан фойдаланган ҳолда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап юқори қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида латин ёзувида қуйидагилар жойлаштирилади:

20-35 мм диаметрда O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI GERBI тасвири
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI.

Malaka oshirganlik haqida

SERTIFIKAT

MO № 000000

Qayd raqami: _____

Berilgan joy: _____

Berilgan sana: 20__ yil “__” _____

* Amal qilish muddati: 20__ yil “__” _____ gacha

QR-kod жойи

Сертификатнинг ўнг қисмида давлат тилида латин ёзувида қуйидагилар жойлаштирилади:

таълим олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми;

ўқиш даври;

малака ошириш курсининг номи ва умумий соати;

таълим муассасаси (ташкилот) раҳбарининг имзоси ва фамилияси, исми, отасининг;

муҳр ўрни.

Сертификат:

тартиб рақами иккита латин ҳарфидан “MO” ва олти рақамли сондан иборат бўлиши;

барча матн ва тасвирлар нақшли растрдан иборат оч-пушти ранг фонда жойлаштирилиши;

такрорланмайдиган рақамлардан, олтита ҳимояга эга ва кетма-кет ўзгарувчи рақамлардан иборат бўлиши;

юқори сифатли махсус ҳимояланган офсет қоғозда чоп этилиши;

ёруғлик воситасида нусха кўчирилишини мураккаблаштириш учун бўёқнинг очик рангларида иборат бўлиши;

турли рангларни ҳосил қилиш учун турли рангдаги растр тўрларидан фойдаланиш йўли билан ҳимояга эга махсус қоғоздан тайёрланиши лозим.

Сертификатнинг электрон шакли ҳисобга олиш серияси, QR-коди ва тартиб рақамига эга бўлади.

QR-kod сертификат чап қисмининг ўнг томонига жойлаштирилади.

Мазкур сертификат қоғоз ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

** Ўқув курслари такрорланмас бўлган тақдирда, амал қилиш муддати “ – ” чизиқча белгиси билан амал қилиш муддатини қўймаслик тавсия этилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “29” ИЮН даги 399 -сон қарорига
1-илова

**Автомобилда халқаро ташувчининг касбий маҳорат сертификатига
намунаси**



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLİKASI
РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

_____ (Ўқув муассасаси номи)

_____ (Образовательное учреждение)

_____ (The name of the educational school)

**Автомобилда халқаро ташувчининг касбий маҳорат (KMS)
SERТИФИКАТИ**

СЕРТИФИКАТ

**профессиональной компетентности
(СПК) международного автомобильного перевозчика**

**CERTIFICATE
of Professional Competence (CPC)
for international road transport**

Шаҳар
Город
City

**Автомобилда халқаро ташувчининг касбий маҳорат (KMS)
SERТИФИКАТИ**

Берилди _____

_____ да. _____ tugʻilgan sana: _____ yil

_____ dasturi boʻyicha
malaka imtihonini topshirdi (sana: _____ yil, _____)
va _____

sifatida kasbiy faoliyat uchun malakali deb eʼtirof etildi.

Берилган сана: _____ yil

Амал қилиш мuddati: _____ yil

ХТ № 000 000

Раҳбар

_____ (Imzo) _____ (Familyasi, ismi, Sharifi)

Берилган joyi

СЕРТИФИКАТ
профессиональной компетентности
(СПК) международного автомобильного перевозчика

Выдано _____ дата рождения _____ сдал(а) _____
 квалификационный экзамен (год: _____; дата: _____)
 на профессиональную компетентность и признан(а)
 квалифицированным(ой) для профессиональной работы в
 качестве _____
 По программе _____

Выдано: _____ год

Действителен до: _____ год

МП № 000 000

Руководитель _____ (Подпись) _____ (Фамилия, инициалы)

М. П



Место выдачи _____

CERTIFICATE
of Professional Competence (CPC)
for international road transport

Issued to _____
 date of birth _____ passed qualification
 exam (year: _____; _____) for professional
 competence and recognized as qualified for professional work
 as a _____
 on program _____

Issued by: _____ year

Valid till: _____ year

IRT № 000 000

Director _____ (Signature) _____ (Name, surname)

P. S

Place of issue _____

Автомобилда халқаро ташувчининг касбий маҳорат сертификати тавсифи

Автомобилда халқаро ташувчининг касбий маҳорат сертификати – автомобиль транспортида халқаро ташувларни ташкил этиш бўйича таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган (ўзлаштирган) мутахассислар, ҳайдовчи ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига берилади.

Сертификатнинг олд қисми чап томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва қуйидагилар жойлаштирилади:

ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Ўзбекистон Республикаси” сўзлари;

ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўқув муассасасининг (ташкилот) номи;

ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Avtomobilda xalqaro tashuvchining kasbiy mahorat SERTIFIKATI (KMS)” сўзлари;

ўзбек, рус ва инглиз тилларида шаҳар номи.

Варақнинг орқа томони чап қисмида рус тилида қуйидагилар кўрсатилади:

Сертификат;

халқаро автомобилда ташувчининг касбий маҳорати ҳақида;

Берилди _____ (*Фамилияси, исми, отасининг исми*)

туғилган санаси _____

касбий маҳорат учун малака имтиҳонини (йил: _____, ой, кун: _____) топширди ва _____ сифатида касбий фаолият учун малакали деб топилди.

дастур номи;

берилган сана;

амал қилиш муддати;

Рақамлаш учун, сертификат иккита кирилл ҳарфларидан “МП” ва олтига сонли тартиб рақамлардан иборат бўлади;

Ўқув муассасаси (ташкilotи) раҳбарининг имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми;

муҳр ўрни;

берилган жой.

QR-kod жойи

Варақнинг ички ўнг томонида чап томонида рус тилидаги матн инглиз тилида ҳамда варақнинг олди ўнг томонида ўзбек тилида тўлиқ жойлаштирилади.

Сертификат:

такрорланмайдиган рақамлардан, олти карралик ҳимояга эга ва кетма-кет ўзгарувчи рақамлардан иборат бўлиши;

маҳсус ҳимояланган юқори сифатли офсет қоғозда чоп этилиши;

офсет усулида, матн учун – кўк ранг А5 форматдаги оқ қоғозда чоп этилиши;

ёруғлик ёрдамида нусха кўчиришни мураккаблаштириш учун буёқнинг очик рангларидан иборат бўлиши;

нақшли растр;

турли рангларни яратиш учун ҳар хил рангли растр тўрларидан фойдаланиш йўли билан ҳимояга эга маҳсус қоғоздан тайёрланиши лозим.

Сертификатнинг электрон шакли ҳисобга олиш серияси, QR-коди ва тартиб рақамига эга бўлади.

QR-kod сертификат чап қисмининг ўнг томонига жойлаштирилади.

Мазкур сертификат босма қоғоз ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “29” ИЮН даги 399-сон қарорига
2-илова

Автомобиль транспорти соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги
ДИПЛОМ намунаси



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TRANSPORT VAZIRLIGI

Qayta tayyorlash haqida

DIPLOM
QT № 0000000

Qayd raqami: _____

Berilgan sana: 20__ yil “__” _____

Berilgan joy: _____

QR-kod

Mazkur diplom egasi

(tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil “__” _____ dan 20__ yil “__” _____ gacha

(ta’lim muassasasi (tashkilot) nomi)

_____ da
_____ soatga mo’ljallangan _____

(kasbiy qayta tayyorlash kursining nomi)

_____ yo’nalishi bo’yicha kasbiy qayta
tayyorlash kursining o’quv dasturini to’liq o’zlashtirdi.

Davlat attestatsiya komissiyasining 20__ yil _____
dagi _____ - son qarori bilan avtomobil transporti
sohasida _____

_____ yo’nalishda kasbiy faoliyat yuritish huquqi
berildi.

Rahbar

(rahbar imzosi)

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

M. O’

Автомобиль транспорти соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом тавсифи

Автомобиль транспорти соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги давлат намунасидаги диплом А5 форматдаги оқ қоғозда, офсет усулида, беш хил рангдан: матн учун – қора ранг, расмлар тасвири учун – яшил, кўк ва қизил ранглардан, фон учун – оч пушти рангдан фойдаланган ҳолда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап юқори қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида лотин ёзуви билан қуйидагилар жойлаштирилади:

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI GERBI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI

TRANSPORT VAZIRLIGI.

Qayta tayyorlash haqida

DIPLOM

QT № 000000

Qayd raqami: _____

Berilgan joy: _____

Berilgan sana: 20__ yil “__” _____

QR-kod жойи

Дипломнинг ўнг қисмида давлат тилида лотин ёзуви билан қуйидагилар кўрсатилади:

таълим олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми;

ўқиш даври;

таълим муассасаси (ташкилот) номи;

қайта тайёрлаш курсининг номи ва умумий соати;

Давлат аттестация комиссияси қарорининг санаси ва рақами;

таълим муассасаси (ташкилот) раҳбари имзоси ва фамилияси, исми, отасининг исми;

муҳр ўрни.

Диплом:

тартиб рақами иккита лотин ҳарфидан “QT” ва олти рақамли сондан иборат бўлиши;

барча матн ва тасвирлар нақшли растрдан иборат оч-пушти ранг фонда акс эттирилиши;

такрорланмайдиган рақамлардан, олтита ҳимояга эга ва кетма-кет ўзгарувчи рақамлардан иборат бўлиши;

юқори сифатли махсус ҳимояланган офсет қоғозда чоп этилиши;

ёруғлик воситасида нақшли растр нусхаси кўчирилишини мураккаблаштириш учун бўёқ очиқ ранглардан иборат бўлиши;

турли рангларни ҳосил қилиш учун турли рангдаги растр тўрларидан фойдаланиш йўли билан ҳимояга эга махсус қоғозлардан тайёрланиши лозим.

Дипломнинг электрон шакли ҳисобга олиш серияси, QR-коди ва тартиб рақамига эга бўлади.

QR-kod дипломнинг чап қисми ўнг томонига жойлаштирилади.

Мазкур диплом босма қоғоз ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги 636-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 11-бандининг “б” кичик бандида “аттестациядан” сўзи “транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастурлар бўйича малакасини ошириб, малака имтиҳонидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 37-бандининг иккинчи хатбошисида “аттестациядан” сўзи “Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастур бўйича малака оширган ва малака имтиҳонидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 4-иловадаги “аттестациядан” сўзи “Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастур бўйича малака оширган ва малака имтиҳонидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

